


MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI
O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

SHARQ
IJTIMOIY
FANLAR
JURNALI

ВОСТОЧНЫЙ
ЖУРНАЛ
СОЦИАЛЬНЫХ
НАУК

ORIENTAL
JOURNAL
OF SOCIAL
SCIENCES



ISSN 2181-2829

2025





RISHTAN POTTERY IN THE SPOTLIGHT OF WORLD TOURISTS

Alisher Doniyorov

Doctor of Historical Sciences, Professor

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Rishtan pottery, traditional handicrafts, tourism, Alisher Nazirov, national art, ceramic products, ornament philosophy.

Received: 23.05.25

Accepted: 25.05.25

Published: 27.05.25

Abstract: This interview highlights the history, traditional styles, and modern development trends of the Rishtan pottery school. Through a conversation with master potter Alisher Nazirov, the discussion reveals the ancient roots, technological processes, the philosophical meaning of ornamentation and colors, and the international recognition of Rishtan pottery. The dialogue also emphasizes the role of national handicrafts in enhancing Uzbekistan's tourism potential.

РИШТОН КУЛОЛЧИЛИГИ ДУНЁ САЙЁҲЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Алишер Дониёров

Тарих фанлари доктори, профессор

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Риштон кулолчилиги, анъанавий ҳунармандчилик, туризм, Алишер Назиров, миллий санъат, сопол буюмлар, безак фалсафаси.

Аннотация: Мазкур суҳбатда Риштон кулолчилик мактабининг тарихи, анъанавий услублари ва замонавий ривожланиш йўналишлари ҳақида сўз юритилади. Моҳир уста-кулол Алишер Назиров билан олиб борилган мулоқот орқали ушбу ҳунарнинг қадимий илдизлари, технологик жараёнлари, безак ва ранглар маъносининг фалсафий жиҳатлари ҳамда Риштон кулолчилигининг дунё сайёҳлари эътиборидаги ўрни очиқ берилган. Шунингдек, миллий ҳунармандчиликнинг туризм салоҳиятини оширишдаги ўрни ҳақида фикр юритилган.

РИШТАНСКАЯ КЕРАМИКА В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ ТУРИСТОВ СО ВСЕГО МИРА

Алишер Дониёров

Доктор исторических наук, профессор

Ташкентского государственного университета востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Риштанская керамика, традиционные ремесла, туризм, Алишер Назиров, национальное искусство, глиняные изделия, философия орнамента.

Аннотация: В данном интервью рассматривается история, традиционные стили и современные тенденции развития Риштанской школы гончарного искусства. Через беседу с мастером-гончаром Алишером Назировым раскрываются древние корни ремесла, технологические процессы, философия узоров и цвета, а также международное признание Риштанской керамики. Кроме того, обсуждается роль народных промыслов в развитии туристического потенциала Узбекистана.

Ўзбекистоннинг осори атиқаларда, хунармандчилиги, урф-одатлари, кийим кечаклари, қадимий байрамларда муҳрланган тарихи унинг инсоният тамаддуни ривожигаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб, бу ноёб мерос дунё аҳлининг эътиборида. Бу эътибор юртимизга дунё сайёҳлари оқимининг тобора ошиб бораётганида намоён бўлиб, ўз навбатида туризм соҳасини янада ривожлантиришни долзарблаштирди. ЎзР Президентининг “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ва маҳаллий ҳамда хорижий туристлар сонини янада оширишга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарорида унга оид вазифалар ва ечимлари ўз ифодасини топди. Мазкур қарор бандларида кўрсатилган вазифаларни бажаришда Олий таълим тизими муассасалари зиммасига ҳам маълум масъулият юкланди. Олий таълим ташкилотларининг ҳудудларнинг туризм салоҳиятини оширишга кўмаклашиши мақсадида уларга тегишли ҳудудларни бириктириш белгиланди. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик университетига Наманган вилояти Чуст ва Янгикўрғон туманлари, Фарғона вилоятининг Риштон тумани, Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани бириктирилди. Мазкур қарорда кўрсатилган “худуднинг туризм салоҳиятини ўрганиш, ҳудуд ва унинг тарихи, туристик объектлари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида турли тилларда контентлар яратиш, уларни яратишда ёрдам кўрсатиш” ҳамда “назарий билим ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаган ҳолда профессор ва ўқитувчиларнинг изланишлари, талабаларнинг туризм соҳасидаги назарий билимларини амалиётда қўллаш

имкониятларини кенгайтириш” мақсадига йўналтирилган, Фарғона вилояти, Риштон шаҳрида “Туркий халқлар ҳунармандчилиги” форуми бўлиб ўтди (2023 йил, 12-13 май).

Форум доирасида “Риштон кулолчилиги: кеча, бугун, эртага” конференцияси ҳамда кулолчиликни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Ушбу форумда фахрий меҳмон сифатида бевосита иштирок этдим. Фурсатдан фойдаланиб, Риштон кулолчилик мактабининг илғор вакиллари билан бири, моҳир кулол Алишер Назиров билан ушбу соҳадаги анъанавий ва замонавий тенденциялар, миллий кулолчилигимиздаги Риштон кулолчилик мактабининг ўрни ҳамда ушбу ҳунарнинг айрим сир-асрорлари ҳақида суҳбатлашдик.

Маълумки, ўзбек халқи миллий ҳунармандчилиги турфа хиллиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Қадимий тарихга эга бўлган ҳунармандчилик турлари ва маҳсулотлари ушбу соҳа вакилларининг чинакам меҳнати ҳамда ўз касбининг маҳоратли устаси бўлганлиги туфайли халқ амалий санъати намуналарига айланиб улгурган. Ана шундай амалий санъат даражасига чиққан ҳунармандчилик турларидан бири кулолчиликдир. Миллий кулолчилик ҳунармандчилиги ҳақида сўз кетганда, барчанинг кўз олдида унинг шаклланиши ва санъат даражасига чиқишда муҳим ўрин тутган Риштон шаҳри келади. Риштон – Буюк Ипак йўлида ташкил топган, Фарғона водийсининг энг қадимий шаҳарларидан биридир. Қадим замонлардан бери Марказий Осиёдаги энг йирик сирланган сопол буюмлар маркази ҳисобланади. Шаҳар номи жойлашув жойига монанд равишда қадимий сўғдча “Раш” (“Руш”, “Руши”) – “қизил ер” сўзидан пайдо бўлган. Ўрта асрларда бир томондан Хитой ва Ҳиндистон, бошқа томондан Эрон ва Яқин Шарқ қарвон йўллари чорраҳасида жойлашган Риштон тез суръатларда ривожланиб, Буюк Ипак йўлидаги асосий тўхташ жойи ҳамда савдо-сотиқнинг асосий марказига айланган. Кейинчалик бу ерда жоме масжиди қурилган. Шаҳарда кулолчилик қадимий Даҳбед, Чиннигарон, Кўзагарон, Кулолон каби мавзеларда ривожланган.

А.Дониёров: – Алишер Назиров, кулолчиликнинг ривожланиши нима учун айнан Риштон шаҳри билан боғлиқ. Бунинг сабаблари нимада?

А.Назиров: – Риштон сопол маҳсулотларининг харидоргир бўлиши ва дунё брендида айланишида ҳудуддаги соз тупроқнинг аҳамияти катта. Бу тупроқдан тайёрланган лой шакл бериш осонлиги, ширадорлиги ва оловга чидамлилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Риштон кулолчилигининг яна бир ўзига хослиги – бу маҳаллий ўтлар, қирқ бўғимдан сир тайёрлашдир. Бунда кимёвий воситалар йўқ, шунинг учун сири тоза. Уста соз тупроқ ва сувни тенг миқдорда олиб, лойқа тайёрлайди ва элакдан ўтказилади. Лойқа махсус қурилмада лой ҳолатига келтирилиб, ичидаги ҳавоси чиқарилади. Лой махсус

матого ўралиб, уч кун тиндирилади. Тобига келган хомашё билан чархда ишлаш осон кечади. Дастгоҳда ясалган идиш бир кун қурилади. Риштон кулолчилигида XV-XVI асрда ишлатилган шакллар ҳозирги кунда ҳам кулоллар ижодида қўлланади. Кейинги босқичда буюмнинг тағ қисми кажкорд (кашкорд) пичогида текисланади ва керакли шакл берилади. Сўнг сопол яна қуририлиб, тайёр маҳсулот кўринишига келтириш жараёни бошланади. Кулол яратган буюм сифатли чиқишида қўёш нури муҳим омил саналади.

А.Дониёров: – Риштонда кулолчилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда уларни безатиш услубларида, хусусан, нақшларида, ўзбек халқи миллий кулолчилигидаги тарихан шаклланган анъанавий услублар сақланиб қолганми?

А.Назирова: – Бизга маълумки, Риштон кулолчилик мактаби Республикамизнинг ушбу соҳадаги маркази ҳисобланиб, бу ерда миллий кулолчиликда қўлланиб келинган анъанавий услублардан кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда кулолчилик соҳасида фаолият олиб бораётган 724 та мустақил хусусий субъектлар мавжуд бўлса, улардан бештаси “устоз-шогирд” тизими асосида кулолчиликнинг анъанавий услубларини сақлаган ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ушбу анъанавий услубларни сақлаб келаётган кам сонли Риштон кулолчилик мактабида кулолчиликнинг темурийлар даврига хос кошхоналик услублари кенг қўлланилади.

Кулолчилик буюмларини безатишда рангларнинг уйғунлигига алоҳида эътибор берган ҳолда, темурийлар даврида кенг қўлланилган мовий ҳамда бошиқа ёрқин ранглардан фойдаланилади. Анъанавий кулолчиликда ранглар ёрқин бўлиши учун фон берилиши керак. Усталар тилида бу лоялаш дейилади. Тоғли ҳудудлардан олинган оқ тош, яъни кварц майдаланади ва суюқ лой ҳолига келтириб, буюм юпқа лояланади.

Анъанавий сопол идишлар икки хил усулда тайёрланади: а) буюмнинг лояланган ҳолатида гул чизилиб, ранг берилиб, сирланади ва хомпазда пишириб олинади; б) лоялангандан кейин пиширилиб, сўнгга нақш солиб, шиқорланади ва яна 1050 С° да обдон пиширилади. Ҳунармандлар турли металл оксидларидан яшил, феруза, қора ва жигарранг, сариқ, мовий бўёқларни тайёрлашади. Риштон анъанавий кулолчилигида қизил ранг деярли қўлланилмайди. Кулолчиликнинг энг муҳим жараёни сирлашдир. Қирқбўғим, гулоба каби гиёҳлар меъёрига етиб яшил тусга кирганида уюм қилиб йиғилади ва ўша жойнинг ўзида ёқилади. Бу жараёнда гиёҳлар таркибидаги тузли сувлар ширага айланиб, қотишма ҳолига келади. Қотишмалар 1200 С° қиздирилган печкага солинса, шишасимон модда ҳосил бўлади. У билан идишлар шиқорланади, яъни сирлаб чиқилади. Сир буюмдаги рангларнинг жилосини кўрсатишига хизмат қилади.

Ранглардан ташиқари, ҳар бир безак услуби, нақшларида турлича тасвирлар туширилиб, улар олдиндан тайёрланган алоҳида эскизлар билан эмас, балки уста-кулолнинг бевосита беаши жараёнидаги тасаввури ва руҳий ҳолатидан келиб чиқади. Асосан табиатдан олинган ислимий нақшлар, қалампир, анор, чоргул (дунёнинг тўрт томони рамзи), паризох (қуш пати) каби безак турлари ишлатилади. Шунинг таъкидлаб ўтиши лозимки, нақшларда тасвирланган ҳар бир тимсол ўзининг маълум фалсафаси, маъно ва мазмунига эга. Масалан, анор – бу оилавий хотиржамлик, бирдамлик ва қут-барақа, қалампир – одамнинг нимадандир қўрқуви, руҳий ҳолати билан боғлиқ, чоргул (форсча – тўрт гул) – дунёнинг тўрт томондан иборатлиги каби маъноларни ифодалайди.

А.Дониёров: – Ҳозирги кунда Риштонда миллий кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни беаши йўналишларига доир нечта кулолчилик мактаби фаолият олиб бормоқда?

А.Назиров: – Риштонда мавжуд миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш услублари, технологияси ҳамда уларни беаши ишлари билан боғлиқ жараёнлар уста ҳунармандларда бир-биридан нисбатан фарқ қилсада, уларнинг барчаси ягона кулолчилик мактабига мансуб ва ушбу мактабнинг давомчилари саналади.

XIV асрда кўплаб кулоллар Амир Темур ва авлодларининг буюк қурилиш лойиҳаларида иштирок этиш учун Самарқанд шаҳрига кўчиб келишларига тўғри келган. Ота бобларимизни айтиб ўтишича, Риштон шаҳрининг ҳозирги биз турган жойи, кулолчилик мавзеси тарихий Даҳбед қишлоғининг ўрни бўлиб, бу ер қадимдан кулолчилик маркази ҳисобланади. Амир Темур ва темурийлар даврида ушбу қишлоқдан кулоллар оиласи билан Самарқанддаги ҳозирги Даҳбед қишлоғига кўчириб келтирилган бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳолини кулолчилик маҳсулотлари билан таъминлаш билан бир қаторда, унинг сир асрорларини шогирдларига ўргатганлар. Шу жиҳатдан Риштон кулолчилик мактаби, нафақат, миллий кулолчилик анъаналарини сақловчи, балки, уни тарқатувчи деб ҳисобласак, муболага бўлмайди. Бироқ, темурийлар сулоласининг таназзулга учраши билан, Риштон ҳам инқирозга учради.

XVIII асрдан бошлаб Риштон (Рушдон, Рошидон) шаҳри аста-секин қайта тикланган ва XIX аср ўрталарида ҳудуддаги сирланган идишларни ишлаб чиқариш бўйича йирик марказ номини қайтадан қайтариб олган. Риштонда ўрта асрларда йўқолиб кетган ганч – чинни ишлаб чиқариш техникасини XVIII асрда қайта тиклаган ака-ука Абду Жалол (Уста Абдужалол, Уста Жалил) ва Абдужамил (Уста Абдужамил, Уста Кур) ўз ишларининг буюк усталари ҳисобланганлар. Кулоллар чинни ишлаб чиқариш

усулини *Кашгар ва Эрон* давлатларидан олиб келишган. Уларнинг шоғирди *Кали Абдулло* (*Кал Абдулло*) лақаби остидаги – чинни мутахассиси *Абдулла Кулол* (1797-1872) *Риштон*нинг барча кулоллари учун *Уста-оқсоқол* бўлиб етишган. XIX аср бошларида *Риштон*нинг кулол маҳсулотлари нафақат *Фарғона водийсида*, балки, бутун *Марказий Осиё* бўйича юқори талабга эга бўлган. *Шаҳар 300* тадан ортиқ киши ишлайдиган *100* га яқин кулол устахоналарини ўз ичига олган. Бу даврда *Қўқон хонлиги* ва *Шарқий Туркистон* ҳунармандлари билан узвий алоқалар ўрнатилган.

XIX асрнинг 70 йилларида уста *Кали Абдулло* бошчилигида *Риштон* ҳунармандлари биргаликда *Қўқонда* *Худоёрхон*нинг саройи – *Ўрдани* беағи билан шугулланишган. Уларнинг санъати *Қўқон хонлиги* ҳукмдори томонидан юқори баҳоланган. *Худоёрхон* фармойиши билан саройнинг жанубий томонида “куфи” ёзуви туширилган. Тахминан худди шу даврнинг ўзида *Худоёрхон* *Рушдонда* “*Боғи Хон*” номи билан машҳур бўлган ўзининг қароргоҳини қурдириб, у тез-тез шу ерда тўхтаб, шаҳарнинг барча кулоллари учун базм уюштирар эди. *Қўқон хонининг* бевосита уста-кулоларга нисбатан илқ муносабати *Риштон* кулолчилик мактабининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, ушбу мактабнинг етакчи вакилларида уста *Мазойир* ҳамда унинг издошлари фаолияти ҳам ҳозирги кунда кулолчилик мактабида мавжуд анъаналарни сақланиб қолишида муҳим ўрин тутди. Қолаверса, *Риштон* кулолчилик мактабининг ўзига хос “устоз-шоғирд” тизими унинг ягона мактаб сифатида шаклланиб, анъанавий ва замонавий усулларни соҳага жалб қилишида ўзига хос амалий аҳамият касб этмоқда.


А.Дониёров: – Бугунги кунда *Риштон* кулолчилик маҳсулотларига хорижлик сайёҳларнинг муносабати қандай? Кулолчилик маҳсулотларига юртимиз туризм салоҳиятини ошириш воситаларидан бири сифатида қарашимиз мумкинми?

А.Назиров: – *Риштон* кулолчилиги буюмлари икки йўналишида: маҳаллий устозлардан мерос анъанавий усулда ҳамда совгабон қилиб (кимёвий компонентлар билан) тайёрланади. Мазкур буюмлар такрорланмас ислимий услубда чизилган нақш-у нигорлари ва жилдор мовий ранглари билан машҳур. Хусусан, *Риштон* кулолчилик йўналишида анъанани сақлаган ҳолда ишлаб чиқарган маҳсулотлар музейлар, галереяларда сақланади. Кулолчилик бўйича заводлар бор, аммо мазкур мажмуа анъанавий кулолчиликни сақлаб қолишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Ўйиборли жиҳати, бу миллий ҳунармандчилигимизни дунёга танитиши ва тарғиб этишида катта ўрни тутади. Сайёҳлар бу ерда кулолларнинг ҳаёти ва иш жараёни билан танишадилар ҳамда улар тайёрлаган маҳсулотларни сотиб олишлари мумкин. Бу жиҳатдан, *Риштон* кулолчилик маҳсулотлари нафақат, юртимизда, балки хорижда ҳам ўйиборга сазовор бўлиб, бугунги кунда АҚШ,

Англия, Норвегия, Австрия, Швеция, Япония, Германия, Голландия, Россиянинг жаҳонга машҳур музейларида санъат асарлари сифатида сақланади. Хорижий давлатларда маҳсулотларимизга талаб катта. Ҳозирда Россиянинг Москва шаҳрида, шунингдек, Франция ва Австрияда дўконларимиз бор, шу орқали маҳсулотларимизни сотамиз. Бу эса миллий кулолчилик брендини дунёга танитишида муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, қарийб саккиз юз йиллик тарихга эга Риштон кулолчилиги бугунгача ривожланиб, такомиллашиб келмоқда ва айни пайтда янги технологиялар асри худди бу соҳани четлаб ўтгандек. Кулолларнинг барча оила аъзолари азалдан бу хунардан хабардор ва маҳсулот тайёрлаш жараёнида бошидан охиригача иштирок этиб, ёш авлодга ҳам унинг сир-асрорларини ўргатиб келадмоқдалар. Ҳозирги кунда Риштонда кулолчилик анъаналарини ўн икки сулола вакиллари давом эттириб келмоқда.

Гувоҳи бўлганимиздек, туманда жойлашган кулолчилик маркази ўзига хос амалий санъат намуналари билан турли мамлакатлар сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда. Маҳаллага ташриф буюрган сайёҳ ўзи хоҳласа, кулолчилик ишлари жараёнларини бевосита кузатиши, маҳсулот ясаш ишларида ўзи ҳам уриниб кўриниши мумкин бўлади. Риштон кулолчилиги, маҳсулотлари юртимизга келадиган сайёҳлар оқимини кенгайтишида, туризм салоҳиятини янада оширишда ўзига хос омил бўлиб хизмат қилади.



Суратда моҳир уста-кулол Алишер Назиров ва Тошкент давлат шарқшунослик университети профессорлари Алишер Дониёров, Дурбек Сайфуллаев, Мирсодиқ Исҳоқов.